

КАМИЛОВ Музаффар Муродович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
ректори
тарих фанлари номзоди

МОВАРОУННАХР ФИҚҲ МАКТАБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИСЛОМ ҲУҚУҚИ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

ШКОЛЫ ФИКХА МАВАРАННАХРА И ИХ РОЛЬ В РАЗВИТИИ ИСЛАМСКОГО ПРАВА

MAWERANNAHR FIQH SCHOOLS AND THEIR ROLE IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC LAW

Аннотация: Мақолада ислом ҳуқуқи ал-фиқҳ илмининг асосий хусусиятлари хусусан, Мовароуннаҳр фиқҳ мактаблари, уларнинг йирик намоёндалари ва илмий мероси ҳақида сўз юритилади. Манбалардан самарқандий, марғиноний, паздавий нисбали фақиҳлар аниқланган, уларнинг ҳаёти, асарлари ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Фиқҳий мактабларнинг ўзига хос жиҳатлари очиқ берилган ва улар бўйича хулосавий фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: Мовароуннаҳр, исломишунослик, ал-фиқҳ, фиқҳ мактаблари, фақиҳ, нисба, усул, муфтий.

Аннотация: В статье рассматриваются основные черты исламского права – фикха, в частности Мавараннахрских школ фикха, а также их ведущие лидеры и их научное наследие. Анализируя источники, были выделены новые самаркандские, маргинанские и паздавские факихи, освещены их жизнь и научное наследие. Были объяснены особенности школ фикха и сделан вывод по ним.

Ключевые слова: Мавераннахр, исламоведение, фикх, школы фикха, факих, нисба, усул, муфтий.

Abstract: The paper discusses the main features of Islamic law – Fiqh, in particular, Maverannahr Fiqh schools as well as their great leaders and their scientific heritage. Analyzing the sources some new Samarkandi, Marghinani and Pazdavi Faqihs were founded out and their life and scientific heritage was highlighted. The special aspects of Fiqh schools were explained and the conclusion on them was drawn.

Key words: Maverannahr, Islamic Studies, Fiqh, Fiqh schools, Faqih, Nisba, Usul, Mufti.

КИРИШ

Ислом ҳуқуқи, хусусан, ал-фиқҳ – исломшунослигининг кам ўрганилган соҳаси саналади. Гарчи фиқҳ илми ҳақида К.Брокельман, О.Прицак, Ю.З.Кавакжи ва бошқа ғарб олимлари ишларида бирмунча сўз юритилса-да, лекин улар Мовароуннаҳрда ўрта асрлардаги фиқҳ илми тарихи тараққиётини ўрганишда етарли манба бўла олмайди. Бугунга келиб, диний илмларнинг барча соҳалари каби фиқҳ илмини ўрганишга бўлган эҳтиёж ва эътибор айниқса, кучайди. Бу эҳтиёжни қондириш тарихни илмий ўрганиш, англаш йўли билан бўлиши табиий. Бошқача айтганда, Мовароуннаҳрда ислом дини тарихини, турли диний ва ҳуқуқий мазҳаблар ҳамда улар орасидаги фарқларни, ислом шариати ва унинг асосини ташкил этувчи фиқҳ илмини чуқур ўрганиш керак бўлади. Чунки, исломнинг ҳуқуқий асосини шариат ташкил қилса, шариатнинг асосини, ўз навбатида, фиқҳ ташкил қилади. Тарихни ўрганиш эса ўз ўрнида бугунги кун талабидир. Зеро, давлатимиз Раҳбари таъкидлаганидек, «ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак» [1].

АСОСИЙ ҚИСМ

Шуниси эътиборга лойиқки, сўнгги йилларда Республикаimizда маданий мерос, ўтмиш алломалар ижодини ўрганиш, миллий қадриятларни тиклашга катта эътибор берилмоқда. Халқимизнинг ижтимоий–иқтисодий, тарихий, маданий ва илмий ҳаётини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш учун қулай имкониятлар яратилди. Авваллари ўрганишга имконияти бўлмаган, асарлари тадқиқ этилмаган алломалар ҳаёти ва ижоди ўрганила бошланди.

Тарихий асарларни янги шароитда янада чуқурроқ ва янгича қарашлар асосида тадқиқ этиш зарурдир. Ўтмиш адабий ва маданий асарларини ўрганишда бу асарлар яратилган маданий муҳитнинг ўзида, ўша давр ва ундан кейин қай даражада тадқиқ этилган, қабул қилинганлигига ҳам эътибор қилинмоғи зарур.

Ҳозирда ўтмишимизни, Ватанимиз тарихини ёритишга бел боғланган экан, бунда сўзсиз асрлар давомида урф-одат ва қадриятларимизнинг асосини ташкил этувчи ислом дини тарихини, унинг Мовароуннаҳр диёридаги тутган мавқеини, турли диний-ҳуқуқий мазҳаблар ва улар орасидаги фарқларни билиш, хусусан, фикҳ илмини чуқур ўрганиш лозим. Фикҳ эса тафсир, ҳадис, ақоид каби илмларнинг барчасини ўз ичига қамраб олади.

Шу сабабли ўтмишда фикҳга эътибор жуда кучли бўлган, барча диний ва дунёвий масалалар худди шу фикҳ асосида ечиб берилган. Ибодат масалалари, давлат бошқаруви, қозиларнинг ҳукм чиқариш жараёнлари, ҳаётда учрайдиган барча муаммолар фикҳ асосида ҳал қилинган. Шунинг учун фақиҳларга эҳтиёж ва уларга эҳтиром кучли бўлган. Кўплаб Мовароуннаҳр фақиҳлари нафақат умумисломий қоидаларга балки, маҳаллий урф-одатларга ҳам катта эътиборни қаратганлар. Маҳаллий фикҳ мактаблари Мовароуннаҳр ўлкасига хос анъаналар, урф-одатлар, маълум ҳуқуқ нормаларини ғоялар, фикр ва қарашларнинг ўтқир кураши остида шакллантириб борганлар [12]. Шу сабабдан ислом дини халқимиз маданиятининг ажралмас қисмига айланди. XI-XII асрларда Мовароуннаҳр ҳаётида муҳим ўрин тутувчи фикҳ мактаблари фаолиятини ва фақиҳларнинг ҳаёти, улар яшаган давр, муҳит, сиёсий ва ижтимоий ҳолат, фан ва маданиятни ўрганиш билан бир қаторда илмий асосда таҳлил этиш ниҳоятда долзарб ва зарурдир.

Шунга кўра, тадқиқотда бир қатор масалаларни, жумладан, фақиҳлар фаолиятини ўрганиб чиқиш орқали фикҳ илми таракқиёти тарихини имкон қадар очиб бериш асосий вазифа қилиб олинди.

Ал-Паздавий нисбасидаги фақиҳлар. Бу авлодда бир неча фақиҳлар бўлиб, аксарияти қозилик ва мударрислик фаолиятида, дин ва давлат ишларида катта мансаблар соҳиби бўлганлар. Бу сулоланинг йирик намоёндаларидан «Фаҳр ал-ислом» номи билан машҳур бўлган Абу-л-Уср Али ибн Муҳаммад ал-Паздавийдир. Абу-л-Уср бир оиладан етишиб чиққан икки ака-ука фақиҳнинг биридир. У 400/1009 йилда туғилган бўлиб, фикҳнинг фуру ва усул борасида илмий фаолият олиб борган ва шу соҳада қўлланма асарлар соҳиби бўлганлиги

сабабли «ал-усулий» (усул ал-фикҳ олими) дея танилган.

Унинг вафоти тўғрисида 482/1089, 483/1090, 484/1091 ва 557/1161 саналари келтирилади. Тўғрироғи 482/1089 йил бўлиб, Кешда вафот этган. Манбаларда унинг жасади Самарқандга келтирилиб, масжид эшиги ёнига дафн этилган, деган хабар берилади.

Ал-Паздавийнинг фикҳга оид кўплаб асарлари бизга қадар етиб келган бўлиб, улар куйидагилардир, *كنز الوصول إلى معرفة الأصول* «Канз ал-вусул ила маърифат ал-усул», *كتاب رسالة في قرائة المصلي* [22], *شرح الجامع الصغير* «Рисала фи қироат ал-мусолли» [21], *شرح الجامع الصغير* «Шарҳ ал-жоми ас-сағир» [22], Ҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг (132-189/709-805) «ал-Жоми ас-сағир» номли фикҳий асарига ёзган шарҳидир), *الزيادات* «аз-Зийодот» ва *زيادات الزيادات* «Зийодот аз-зийодот».

Шунингдек баъзи манбаларда Абу-л-Уср ал-Паздавийнинг *غني الفقهاء* «Ғино ал-фуқаҳо» ва *شرح الجامع الكبير* «Шарҳ ал-жоми ал-кабир» [13; 20; 14; 6; 4; 19] номли асарлари мавжудлиги ҳақида хабар берилса-да, улар бизга қадар етиб келмаган. Абу-л-Уср ал-Паздавийнинг фикҳга оид асарларидан бошқа яна турли мавзулардаги кўплаб китоблари ҳам мавжуд [21; 22].

Ал-Паздавийлар сулоласига мансуб бўлган яна бир фақиҳ Абу-л-Усрнинг укаси Абу-л-Йуср ал-Қози ас-Садр ал-Паздавий ҳам Мовароуннаҳрнинг етук фақиҳларидандир.

Ал-Паздавийлардан яна «ал-қози ас-садр» Абу-л-Маолий Аҳмад ал-Паздавий (481-542/1088-1147) ва Абу Собит ибн Али ал-Паздавий (470-557/1077-1161) каби фақиҳларни айтиб ўтиш лозим.

Ал-Марғиновий фақиҳлар. Бу ўринда Мовароуннаҳр фикҳ мактаби тарихида алоҳида эътироф этиладиган ал-Марғиновийлар сулоласи ҳақида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Ал-Марғиновийларнинг мавқеи жуда юкори бўлган. Мисол тариқасида «ал-Марғиновий» нисбатига эга бўлган бир неча фақиҳларни келтириш мумкин: Ушбу Мовароуннаҳр фақиҳларидан бири Абдул-Азиз ибн Абд ар-Раззоқ ибн Аби Наср ибн Жаъфар ибн Сулаймон ал-Марғиновийдир (477/1084 йилда Марғинонда вафот этган) (*عبد العزيز بن عبد الرزاق بن أبي نصر بن جعفر بن سليمان المرغيناني*). Ал-Қурашийнинг хабар беришича, у Абу-л-Ҳасан

Наср ал-Мухассан ал-Марғинонийдан (أبو الحسن نصر بن المحسن المرغيناني) илм олган. Манбаларда келтиришича, Абд ал-Азиз ал-Марғинонийнинг олти фарзанди бўлиб, ҳаммаси ҳам фикҳ илми ва фатво беришда мохир бўлганлар. Бир оила вакиллари бўлганликлари сабабли «бир оиладан етти муфти чиқди», деган нақл машхурдир [20: I: 319, 13:97].

Мазкур ал-Марғинонийлар оиласига мансуб яна бири аллома Али ибн Абд ал-Азиз ал-Марғиноний (ваф. 506/1112 й.) ҳам Мовароуннахрнинг ханафий мазҳабидаги етук фақиҳлардан биридир. Унинг *أفضليات الرسول «Ақзийёт ар-Расул» (Ҳожи Халифа фикҳий масалаларни ўз ичига олган бу асарни унга нисбат беради), الفوائد «ал-Фавоид» (Али ал-Марғинонийнинг бу асари фуру ал-фикҳга оиддир), مناقب الإمام الأعظم «Маноқиб ал-Имом ал-Аъзам» (Али ал-Марғинонийга нисбат берилган бу асарда Абу Ханифадан ривоят этилган масалалар келтирилган)* деб номланган асарлари мавжуд бўлган.

Ал-Марғинонийларнинг яна бошқа бир сулоласига мансуб бўлган Бурхон ад-дин Али ибн Аби Бакр ал-Марғиноний (ваф. 593/1197 й.) Мовароуннахр фақиҳларининг энг буюкларидандир.

Бурхон ад-дин ал-Марғинонийнинг илк устози ўзининг бобоси Абу Бакр Мухаммад ас-Сарахсийдан (400-481/1009-1090) таҳсил олган Аби Ҳафс Умар ибн Али ибн ал-Зандорамашийдир. У яна Нажм ад-дин Абу Ҳафс Умар ан-Насафийдан (46-537/1069-1142), ас-Садр аш-Шаҳид Умардан (483-536/1090-1141 йилда Қатвонда ўлдирилган), Мухаммад ал-Банданижийдан (ваф. тахм. 545/1150 йилдан сўнг), Усмон ал-Пайкандийдан (465-552/1072-1157), Аҳмад ибн Абд ар-Рашид ал-Бухорийдан (ваф. тахм. 1140-1150 йиллар атрофида) ва замонасининг бошқа кўплаб алломаларидан таълим олган.

Фақиҳлик даражасигача у муҳаддис, муфасссир, адиб бўлган. Манбаларда унинг «саккиз тур илм соҳибни эканлиги» қайд этилади. Фақиҳ бўлгач, унга «тақлиднинг юқори – таҳриж поғонасидаги фақиҳ» даражаси берилди. Али ал-Марғиноний ўзининг «ал-Бидойа», «ал-Ҳидойа» каби асарларини таълиф этгандан сўнг фикҳ илмида устун олим эканлиги тан олинди. Ҳатто Заҳириддин Мухаммад Бобур (1483-1530) ҳам ўзининг машхур «Бобурнома» асида бу фақиҳни зикр этган.

Бурхонуддин ал-Марғинонийнинг бир неча шогирдлари бўлиб, улардан Мовароуннахр фақиҳи Бурхонуддин Маҳмуд ибн Хусайн ал-Уструшаний (вафоти тахминан XII асрнинг иккинчи ярми), Бурхонуддин (Бурхон ул-ислом) аз-Зарнужий ал-Фарғоний (ваф. 600/1203 й.) [17; 21], Шамс ал-аймма Мухаммад ибн Абд ас-Саттор ал-Кардарий (ваф. 1242 й.) ва бошқа кўплаб исмларни келтириш мумкин.

Бурхонуддин ал-Марғиноний фикҳга оид бир неча асарлар ёзган. Улардан:

I – *بداية المبتدي* «Бидойат ал-мубтади». Бу фикҳга оид асарни ёзишда муаллиф Мухаммад аш-Шайбонийнинг «ал-Жоми ас-сағир» ва ал-Қудурийнинг «ал-Мухтасар» асарларидан истинод этган.

II – *الهداية* «ал-Ҳидойа». Бу асар муаллифнинг юқорида номи зикр этилган китобига ўзи томонидан ёзилган шарҳдир (*الهداية شرح بداية المبتدي*). «Ал-Ҳидойа» кўп маротаба чоп этилган. Унинг бу асари 1234 х. Калкуттада, 1279 х. Бомбайда, 1876, 1881 й. Лакнау, Каунпурда, 1888 й. Қозонда, 1282 х. Қоҳирада, 1306 х., 1328 х., 1331 х. Деҳлида, бир неча марта (охиргиси 1994 йили) Байрутда ва Дамашқда (охиргиси 1984 йилда) чоп этилган. Шунингдек Ғулом Яҳё томонидан қилинган форсча таржима асосида Ҳамилтон (*Hamilton*) инглиз тилига ўгирган нусхаси 1791 йили Лохурда қайта нашр қилинган. Худди шу инглизча таржимадан русчага ўгирилган ва чоп этилган. Русча нашри 1994 йил Тошкентда (проф. А. Саидов муқаддимаси билан) қайта чоп этилган. Шунингдек, асарнинг ўзбек тилидаги 1-жилди 2000 йили Тошкентда «Адолат» нашриётида (проф. А. Саидов масъул муҳаррирлиги ва муқаддимаси билан) илк бора чоп этилди [8]. Бу асарнинг қайта-қайта нашр этилиши унга бўлган эътибор, эҳтиёж ва олимлар тарафидан юксак баҳолалиб, эътироф этилганидан далолат бермоқда.

III – *كفاية المنتهى* «Кифойат ал-мунтаҳи». Манбаларда муаллиф бу асар ўзининг «ал-Бидойа» китобига ёзишни бошлаган бир шарҳ эканини, кейинчалик бу шарҳни ҳажми катталашиб кетганлиги сабабли қисқароқ қилиб, бошқа бир шарҳ ёзганини ва кейинги ёзилган шарҳ – «ал-Ҳидойа» экани қайд этилган [22:III:303; 13:82].

IV – *مختصر الفتاوى* «Мухтасар ал-фатово». Бошқа манбаларда зикр этилмаган, фуру ал-

фикҳга оид ва ҳали чоп этилмаган бу қўлёзма асарнинг ҳозирча ягона деб эътироф этилаётган нусхаси Туркияда сақланади.

V – مختارات النوازل «Мухторот ан-навозил». Манбаларда Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг шундай асари мавжудлиги ҳақида хабар берилган.

VI – التّجْنِيس والمزید «ат-Тажнис ва-л-мазид». Тадқиқотчи Ҳефенинг (Heffening) ал-Марғинонийнинг бу асарини «икки бошқа-бошқа фатволар мажмуасидир», дея тавсифлайди [22].

Аллома Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг яна бошқа кўплаб асарлари мавжуд бўлиб, Ўзбекистон ва қўшни мамлакатларда ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган. Ушбу асарларни тадқиқ этиб ўрганиш миллий меросимизнинг очилмаган қирраларини очишда, маънавиятимиз тарихини янада чуқурроқ ўрганишда катта хизмат қилган бўлар эди.

Мазкур оила вакилларида бири фақиҳ Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг ўғли бўлган Низомуддин Абу Ҳафс Умар ал-Марғиноний (вафоти 600/1203 йилдан кейин) ҳам етук фақиҳлардандир (أبو حفص نظام الدين عمر بن علي). Унинг Ҳавоҳир ал-фиқҳ (муаллиф унда ат-Таҳовийнинг «Мухтасар», ал-Жассоснинг «Мухтасар», ал-Масъуд ал-Кушонийнинг «Мухтасар» каби асарларига истинод этган. Бу асарда у отаси (Бурҳонуддин ал-Марғиноний) зикр этмаган масалаларни ҳам ўз фикрича ифода этган), الفوائد في الفروع «ал-Фавоид фи-л-фуру» деб номланган асарлари мавжуд бўлган (Ҳожи Халифа унинг фуру ал-фиқҳга оид шу номдаги асари мавжудлигини ёзади. Аммо бу китоб бизгача етиб келмаган).

Ал-Марғинонийлар оиласидан етишиб чиққан яна бир олим Абу-л-Маҳосин Заҳир ад-дин ал-Ҳасан ибн Али ибн Абд ал-Азиз ал-Марғиноний (ваф. 600/1203 й.) ҳам Мовароуннаҳрнинг етук фақиҳларидандир (أبوالمحسن ظاهر الدين الحسن بن علي بن عبد العزيز المرغيناني). Унинг الفتاوى الظاهرية «ал-Фатова аз-зоҳириййа» (Унинг бу китоби фатволар мажмуасидан иборатдир), الفوائد «ал-Фавоид» (Лакнавий, Зоҳируддин ал-Марғинонийга шу номдаги асарни нисбат берган) [13:62], كتاب الأفضية والشروط والسجلات «Китоб ал-ақдиййа ва-ш-шурут ва-с-сижиллот» деб аталувчи асарлари мавжуд бўлган (манбаларда Зоҳируддин ал-Марғинонийга нисбат берилган бу асар бизгача етиб келмаган) [21:1:378; 22:1:651; 17:III:263; 13:62].

Лекин Мовароуннаҳрда бу фақиҳларнинг мавқеини кўрсата билиш учун юқорида зикр этилган номлар ҳам кифоя қилади.

Ас-Самарқандий нисбасидаги фақиҳлар. Мовароуннаҳр фикҳ мактаби тарихида ас-Самарқандийлар оиласи ҳам ўзига хос ўрин ва мавқега эга бўлган. Улар турли соҳада олим бўлиш билан бирга фикҳ илмида ҳам моҳир эдилар. Масалан, Абу Иброҳим Исҳоқ ас-Самарқандий (ваф. 411/1020 й.), Алоуддин ас-Самарқандий (ваф. 539/1144 й.), Абу-л-Ҳасан Али ас-Самарқандий (ваф. 441/1049 й.), Абу-л-Лайс ас-Самарқандий (ваф. 552/1157 й.) ва яна бошқа кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Шу ўринда Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг йирик алломаси, ақоид, тафсир, усул ал-фикҳ, фуру ал-фикҳ ва калом илмлари соҳиби, ўз даврининг етук фақиҳи Алоуддин ас-Самарқандий (ваф. 539/1144-45 й.) ҳаёти ҳақида бир озгина тўхталиб ўтсак. Дарҳақиқат, ушбу аллома ҳақида бизгача етиб келган маълумотлар жуда ҳам оз. Ҳеч қайси манбада унинг бирор бир мансаб соҳиби бўлганлиги ёки Қорахонийлар салтанатида тутган ўрни ҳақида хабар берилмаган. Мавжуд манбаларда у ҳақда келтирилган маълумотлар ҳам олимнинг таржимаи ҳолидан кўра унинг қолдирган илмий мероси – асарлари ҳақидаги хабарлар, муаллифнинг ҳаёти ҳақидаги қисқача маълумотлар ва унинг шаънига айтилган мадҳдангина иборат.

Алоуддин ас-Самарқандий ҳақида биринчилардан бўлиб унинг шогирди Алоуддин ал-Косоний (ваф. 1191 й.) «Бадои» асари муқаддимасида [3; 13:1-2] ва яна бир шогирди ас-Самъоний (ваф. 1167 й.) «Китоб ал-ансоб» асарида маълумот берган [20:II:28].

Юқоридаги манбалардан ташқари табақот жанридаги ҳанафий мазҳабига оид адабиётларда қисқа-қисқа хабарлар келтириш билан чекланилган. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, уларнинг кўпчилиги бири иккинчисидан нақл қилиш билан кифояланган, холос. Улардан қуйидаги тартиб билан мисол келтириш мумкин: Ибн Аби-л-Вафо (ваф. 775/1373 й.), Ибн Қутлубуғо (ваф. 879/1474 й.), Тошқўбризода (ваф. 968/1560 й.), ал-Кафавий (ваф. 990/1582 й.), Ҳожи Халифа (ваф. 1067/1657 й.) ва Муҳаммад Абд ал-Ҳайй ал-Лакнавий (ваф. 1304/1886 й.).

Ушбу манбалар билан танишиш асносида ас-Самарқандийнинг туғилган йили ҳақида бирор-бир маълумот учрамади. Унинг вафот этган санаси ҳақида ҳам турли маълумотлар мавжуд. Масалан, К. Брокельман [21:1:374] икки хил санани: 538/1143-44 ва 540/1145-46 йилларни кўрсатган. Ҳожи Халифанинг асарида 553/1158 йил келтирилади. Ибн Абд ал-Барр «*Жоми байон*» асарида Алоуддин ас-Самарқандийнинг талабаси бўлмиш ас-Самъоний томонидан берилган 539/1144-45 санани келтиради¹. Манбалардаги маълумотларга кўра, аллома Бухоро шаҳрида вафот этган.

Алоуддин ас-Самарқандий ҳаётини ўрганиш жараёнида унинг Самарқанддан Бухорога кўчиб ўтганлиги ва ўша ерда илмий фаолиятини давом эттиргани маълум бўлди. Лекин унинг Бухорога кўчиб ўтиши сабаблари бирон-бир манбада аниқ келтирилмаганлиги учун ҳозирча мавҳум бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотчи В. Маделунг берган тадқиқот натижасига кўра, ас-Самарқандий Анатолияга бир неча марта сафар қилган. Бир муддат ўтгач, унинг аёли ҳам борган ва бир оз вақт ўша ерда бирга яшаган. Шунингдек Ҳалабда Нуриддин Занги билан ҳам учрашган. Сўнгра Бухорога қайтиб келиб, таълим бериш билан шуғулланган ва шу ерда вафот этган. Рум подшоҳлари фақиҳа бўлган қизи Фотиманинг қўлини сўрайдилар, лекин у ўзининг етук шогирди бўлмиш Алоуддин ал-Косонийни афзал деб билиб, қизини унга турмушга берган экан [24:8].

Жуда ҳам чекланган мазкур маълумотлар асосида фақатгина қуйидагича кичик бир хулоса қилиш мумкин. Аллома ўсиб, вояга етган мухит, тадқиқот жараёнида танишиб чиқилган манбаларда кенг ёритилмаган. Сабаби, унинг асарлари машҳур бўлса-да, муаллифининг таржимаи холи чуқур тадқиқ этиб ўрганилмаган.

Шунингдек ас-Самарқандийнинг устозлари, шогирдлари ва қолдирган асарлари ҳақида ҳам бир мунча маълумотлар тўпланди. Улар тартиб билан ўз ўрнида баён қилинади.

Алоуддин ас-Самарқандий ўз даврининг талабларидан келиб чиққан ҳолда илмий изланишлари жиҳатларини аниқлаб олган. У ўша даврда энг муҳим соҳа саналмиш фикҳ илмининг фуру ва усул соҳаларига катта эътибор

берган. Олим фикҳий масалаларни ёритар экан, муаммога албатта ўша давр мухитининг талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. У яшаган даврда юқорида кўриб ўтилганидек, фикҳ илми ривожланган, турли минтақаларда фикҳ мактаблари ва йирик-йирик фақиҳлар фаолият олиб борар эдилар. Шунга қарамай Алоуддин ас-Самарқандий Мовароуннаҳр фикҳ мактабида ўзининг муносиб ўрнини топа билди. Унинг ёзган фикҳий асарлари Мовароуннаҳр фикҳ мактабини ривожлантиришда эътиборли ўринни эгаллади. Унинг шу кунгача етиб келган фикҳий асарларига эътибор бериладиган бўлса, улар ўзидан олдин ёзилган асарлардан тубдан фарқ қилмаса-да, услуб жиҳатидан бутунлай бошқа йўналишни танлаган. Яъни, у фикҳ аҳкомларини далиллар билан қувватлантириш ва уларни атрофлича ёритиб бериш асосида масалаларни ҳал этишга катта эътибор берган. Асарларида оятлардан далил келтириш билан бирга кўплаб ҳадисларни исноди билан ҳам келтириб ўтади. Ҳар бир ҳукмни баён қилар экан кўпинча ҳадисга суяниб иш кўради. Унинг биргина «Тухфат ал-фуқаҳо» асарида мингдан ортиқ ҳадис келтирганини кўриш мумкин. Бунга кўра уни муҳаддис ҳам эди, дея олишга асос бор. Тўғри, у давр талабидан келиб чиққан ҳолда ҳадисга оид асар ҳам таълиф қилган бўлиши мумкин, лекин ҳозирча бундай маълумот учрамади.

Алоуддин ас-Самарқандий фақиҳ бўлиш билан бирга муфассир ҳам эди. Унинг Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Таъвилот ал-Қуръон» номли тафсирига ёзган шарҳи, яъни тафсир асари ислом оламида мўътабар ҳисобланади. Ал-Мотуридий ўз даврининг етук алломаси сифатида дунёга танилгани ва унинг асарларидаги мукаммалликка қарамай ас-Самарқандий катта масъулиятли ишга қўл уради ва албатта буни уддалайди.

Умуман олганда Алоуддин ас-Самарқандий қолдирган илмий мерос билан қисман бўлса-да, танишиб чиқиш унинг мавқеини янада яққолроқ намоён қилиши мумкин.

Ҳижрий тўртинчи асрнинг бошларидан саккизинчи асрнинг бошларига қадар давом этган даврда турли мазҳабларнинг йирик фикихлари етишиб чиқдилар. Улар орасида маълум бир ижтиҳод даражасига етган ёки муҳим фикҳий асарлар таълиф этган

¹ Охиргиси бевосита алломанинг шогирди томонидан берилганлиги, энг тўғри маълумот шу деган фикрга олиб келди.

олимлардан айримлари ҳақида маълумот бериб ўтиш мазкур давр руҳиятини ёритишда янада яққолроқ тасаввурга эга бўлишда ёрдам беради.

ХУЛОСА

Умуман олганда, юқорида зикр этилган бир неча даврлар ва уларда мавжуд бўлган фикҳ мактаблари, бу мактабларда илмий фаолият олиб борган мужтаҳидлар ҳақидаги маълумотлар билан қисман бўлса-да, танишиб чиқиш ва фикҳ илмининг Пайғамбар (САВ) даврларидан токи тақлид давригача бўлган тадрижий ривожланишини ўрганиш **биринчидан**, VII–XII асрлардаги илмий муҳит; **иккинчидан**, ўша даврларда мавжуд бўлган фикҳ мактаблари ва уларда илмий фаолият олиб борган муҳим шахслар; **учинчидан**, XI–XII асрлардаги Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг аҳамияти; **тўртинчидан**, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги анъанавий фикҳ мактабларининг ўзига хос қирраларини очиш ва уларнинг аҳамияти; **бешинчидан**, XI–XII асрлардаги фақиҳлар сулолаларининг Мовароуннаҳр фикҳ мактабида тутган ўрни ҳақида қимматли илмий маълумотлар олиш учун имкон беради.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 15 июндаги Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази пойдеворига тамал тоши қўйиш маросимида сўзлаган нутқи.
- Абдулвахҳоб Халлоф. Усулул фикҳ (Ислом қонуншунослиги асослари). Биринчи, иккинчи қисмлар. – Т.: Халқаро ислом тадқиқот маркази-Адолат, 1997. – 224 б.
- Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косоний. Бадои ас-санои фи тартиб аш-шарои. – ЎзР ФА ШИ, тошбосма, инв. № 5967.
- Ало ад-дин ас-Самарқандий. Тухфат ал-фуқаҳо. – Байрут, 1993. жилд: I–III.
- Ало ад-дин ас-Самарқандий. Тухфат ал-фуқаҳо. – Димашк, 1958. Жилд: I–III.
- Аҳмад ибн Мустафо Тошкўбризода. Мифтоҳ ас-саода ва мисбаҳ ас-сийода. – Ҳайдаробод, 1323. – II ж. – Б. 54.
- Аҳмад ибн Мустафо Тошкўбризода. Табақот ал-фуқаҳо. – Миср, 1961. Б. 85.
- Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя. 1-жилд/ тарж. Салоҳиддин Муҳиддин (бош тарж. ва бошқалар). Масъул муҳар. Проф. А.Х.Саидов, ф.ф.д., М.Нуриддинов. – Тошкент: «Адолат» нашриёти, 2000. – 848 б.
- Бурҳон ад-дин ал-Марғиноний. Ал-Ҳидоя: Шарҳ Бидоят ал-мубтадий. 4 жилдли. – Лубнон: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1990.
- Ибн Абд ал-Барр Абу Умар Йусуф ал-Намаррий ал-Қуртубий ал-Андалусий. Жоми байон ал-илм ва фазлиҳи ва мо йанбағи фи ривойатиҳи ва ҳамлиҳи. (Босилган ери кўрсатилмаган), 1958.
- Камалиддинов Ш.С. «Китаб ал-Ансаб» Абу Саъда Абдалкарима ибн Муҳаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Т.: ФАН, 1993. – С. 158.
- Муминов А.К. “Катаиб аълам ал-ахйар” ал-Кафави (ум. в 990/1582 г.) как источник по истории Ислама в Мавераннахре (III / IX-VII / XIV вв.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Л., 1991. – 16 с.
- Муҳаммад Абду-л-Ҳайй ал-Лакнавий ал-Ҳиндий. Ал-Фавоид ал-бахия фи тарожим ал-ханафия. – Қоҳира, 1324 х.
- Муҳаммад ал-Хузарий. Тарих ат-Ташри ал-Исломий. – Миср, 1934. – 362-б.
- Мўминов А. Мовароуннаҳр уламолари: ханафийлар // Шарқшунослик. № 9, 1999.
- Собрание восточных рукописей Академии Наук Узбекистана. Томы I–XI, Ташкент, 1952–1987.
- Умар Ридо Каҳҳола. Муъжам ал-муаллифин, Тарожим мусаннифи-л-кутуб ал-арабия. – Димашк, 1957. – I–VII ж.
- Шихобуддин Абу Абд Аллоҳ Йоқут ибн Абд Аллоҳ ар-Румий ал-Бағдодий ал-Ҳамавий. Муъжам ал-булдон. – Байрут, 1955. – I. – 409 б.
- ал-Қосим ибн Абд Аллоҳ ас-Судуний ибн Қутлубуго. Тож ат-тарожим фи табақот ал-ханафия. – Leipzig: Flügel, 1862.
- Қураший Абу Муҳаммад Абду-л-Қодир ибн Абу-л-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий. ал-Жавохир ал-мудиа фи табақот ал-ханафия. – Ҳайдаробод, 1332. – I ж. – Б. 372.
- Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. – Leiden, 1943. – Bd I. – 373 p.
- Brockelmann C. Supplement. – Leiden, 1937. – Bd I. – 998 p.
- Le Strange G. The Lands of the Eastern Caliphate: Mesopotamia, Persia, and Central Asia from the Muslim Conquest to the time of Timur. – Cambridge, 1930. – 471-б.
- Madelung W. The westward migration of Hanafi scholars from Central Asia in the 11th to 13th centuries. 1998.
- Pazdawi, Abu l-Yusr Muhammad. Kitab Usul ad-Din / Ed. Hans Peter Linss. – Kairo, 1383/1963.